

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №02

Қаши туман

«18» апрел 2022 йил

Ушбу шартнома биринчи томондан **«Буюртмачи»** деб юритиладиган **Қашқадарёйўлкўкалам унитар корхонаси** номидан Низом асосида ижро этувчи директор **М.Чоршанбиев**, иккинчи томондан кейинги уринларда **«Пудратчи»** деб юритиладиган **“ELYOR PROEKTSTROY” ХК** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Мажидов**, ўртасида Умум фойдаланув автомобил йулларини ён қисмларини кукаламзорлаштириш ишларида кучатларини экиб бериш хизматини бажариб беришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари - бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларига шахсан мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект янгидан кўринишларини бажарилишига доир ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб - ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш - монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

Қурилиш майдони - мазкур шартнома(контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича **«Буюртмачи» «Пудратчи»**га берилган ер участкаси, объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади:

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. **«Пудратчи»** мазкур шартнома бўйича Умум фойдаланув автомобил йулларини ён қисмларини кукаламзорлаштириш ишларида кучатларини экиб бериш хизматини лойиха-смета ҳужжатларида кузда тутилган холда бажариб беришга лойиха смета ҳужжатларида кузда тутилган холда мажбуриятларини олади, **«Буюртмачи»** эса **«Пудратчи»**га юқорида кўрсатилган ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва маблағ билан таъминловчи орган маблағ билан таъминлагач тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Ўзаро шартномавий муносабатлар норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Объектнинг умумий қиймати **458 000 000 сўмни** ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича объектда **«Пудратчи»** томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда **458 000 000 (Турт юз эллик саккиз миллион) сўмни** ташкил этади.

3.2. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, шартнома қиймати ёки шартнома билан боғлиқ бошқа санаб ўтилган ўзгаришлар **«Буюртмачи»** билан **«Пудратчи»** ўртасидаги пудрат шартномасига қўшимча ўзгартириш келишув битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича **«Пудратчи»** шартноманинг 1 бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

«Пудратчи»нинг бажарилиши лозим бўлган объектдаги ишлари учун ўз техникаларини, ўзи хисобидан қурилиш материаллари, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлайди.

Объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва «Буюртмачи»га топшириш вақтида, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материалларни ҳисоб варақларини тақдим этади.

Шартнома шартларига асосан объектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойиҳа-сметага мувофиқ топширади:

Барча ишларни мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилинган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. Объектга зарур бўлган қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборларга жойлаш ва сақлашни ўз ҳисобидан амалга оширади:

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди:

Қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлайди:

Ўрнатилган тартибда объектни ихтиёрий суғурталашни таъминлайди:

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2 «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр сифатли ҳолда топширилишига «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.3 Қурилиш объектида аниқланган сифатсиз ишлар ва лойиҳа-сметада кўрсатилган иш ҳажми бажарилмаган ҳолатида тўлиқ жавоб беради ва ўз кучи билан бартараф этади.

5. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажарилиши учун «Буюртмачи» Иншоотда қурилиш ишларини олиб бориш учун Қурилиш майдонини ажратиб беради.

5.2. Барча лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза кўригидан ўтказиб «Пудратчи»га тақдим қилиш.

5.3. Ишлар бажарилиши устидан доимий қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан сифатли тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

«Пудратчи»нинг барча мурожаатларини 3(уч) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.4. Молиялаштириш - жадвалига асосан «Пудратчи»га Маблағ билан таъминловчи орган маблағ ажратгач аванс ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этади.

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1. «Пудратчи» мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш ва топшириш муддати 2022 йил 31 май деб белгиланди.

7. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

7.1. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га аванс ва жорий молиялаштириш Маблағ билан таъминловчи орган томонидан тўловлар амалга оширилиши билан Молиялаштириш жадвали асосида бажарилган ишлар ҳисобида амалга оширилади.

7.2. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га олдиндан 30 % миқдорида аванс маблағи тўлаб берилади. Бажарилган ишлар учун тўлов хар ойда амалда бажарилган ишлар қийматини Ф-2, Ф-3 ҳисоботларни хар ойнинг 26 санасигача топширади, бажарилган ишнинг 100 % (фоиз)ини ой охирига қадарли Маблағ билан таъминловчи орган маблағни тўлаб бериши билан амалга ошириб ҳисоб-китоблар қилинади.

7.4. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

7.5. Объект қурилиши бўйича ҳар ойда жами бажарилган қурилиш монтаж ишлари ҳажмидан 3(уч)% микдорида «Буюртмачи»нинг бошқа ҳаражатларини қоплаб беради.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини-техник кузатувчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишишга эгадир.

8.3. «Пудратчи» техник кузатувчини объектда бораётган ишлар билан ҳужжат асосида ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. «Пудратчи» объектда бажарилган ишларининг ҳажмларини, қилинган сарф-ҳаражатларни «Буюртмачи» томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан объектнинг ўзида қуриб чиқади ва тўлиқ маълумотни «Буюртмачи»га топширади.

8.5. «Пудратчи» ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартномада кўрсатилгандек мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажариш мустақил равишда ташкил этилади.

8.6. «Пудратчи» объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланди.

8.8. «Пудратчи» ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха-смета ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга, мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ёки унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқланса, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун дарҳол киришиб 3(уч) кун муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.10. «Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ.

9.1. «Пудратчи» ишлар ҳисобидан объектда ишларини бажариш тугаллангунгача объект ««Буюртмачи»» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиий офат ҳодисалари ва енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилмаслигига олиб келса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари ишни муддатида фойдаланишга топширишга тўсқинлик қилса, «Пудратчи» ва «Буюртмачи» шартномани бекор қилиш чоралари қурилиши юзасидан келишиб оладилар.

11. КАФОЛАТЛАР

11.1. “Пудратчи” барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

-лойиха - смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб - ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди;

11.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига ўзайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўзи ҳисобидан бартараф этилади.

11.3. Пудратчи текшириш даврида аниқланган камчиликлари учун тўлиқ жавобгар ҳисобланиб, объект тугаллангандан 1 йил муддат ичида пайдо бўлган камчиликларни ўзи томонидан бартараф этади.

11.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки бартараф этишдан бош тортса “«Буюртмачи»” ушбу масала бўйича тегишлилик бўйича судга муурожаат қилади.

12. Шартномани бекор қилиш.

12.1. «Пудратчи» қурилишни «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларига кўра 10 кундан ортиқ вақтга кечиктирганда;

12.2. Ишларнинг тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

12.3. «Пудратчи» томонидан лойихада кузда тутилган шартноманинг шarti бузилганда ва оқибатда иш сифатининг пасайиб кетишига олиб келганда;

12.4. «Пудратчи»нинг қурилиш фаолиятини лицензияси бекор қилинганда, давлат органлари томонидан иш юритишдан маҳрум этувчи амалдаги қонунчилик доирасида, бошқа қонун ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда;

12.5. Мазкур шартномада кузда тутилган пеня(жарима) санкциясини «Пудратчи» тўлашдан бош тортса;

12.6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга;

12.8. «Пудратчи» кўйидаги ҳолларда шартнома(контракт) бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли;

12.9. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабаларга кўра 10 кундан ортиқ муддат қурилиш-монтаж ишлари бажаришни тўхтатиб кўйганда;

12.10. «Буюртмачи» томонидан Маблағ билан таъминловчи орган ажратган маблағни ўз муддатида тўлашни 1(бир) ойдан ортиқ муддатга кечиктирганда;

12.11.«Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг биргаликда келишуви билан шартнома(контракт) бекор қилинганда бажарилган ишлар қийматини топшириш, қабул қилиш далолатномасига асосан «Пудратчи»га тўлайди.

12.14. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур модда қонунга мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.14. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.15. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўймайди. Қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш:

Шартномада кузда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган ёки тўлақонли бажармагани.

Нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни:

Агар пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, «Буюртмачи» нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлиги натижасида келтирилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

13.3. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бўзилган бўлса Пудратчи «Буюртмачи» га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.4. Буюртмачи пудратчига уз вақтида ҳақ туламаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

14. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

14.1. Шартномани бажаришда, бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишолмаса, қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий баъзаси тўғрисида»ги қонунига амал қилган ҳолда тегишлилик бўйича судларга муурожаат қилишга ҳақли.

15. Алоҳида шартлар.

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин томонлар ўртасидаги мазкур шартномага дахлдор олдинги барча ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, келишувлар ўз кучини йўқотади.

15.2. «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг ёзма руҳсатисиз объектни ёки унинг алоҳида бир қисмини қўриш учун лойиха ҳужжатларини учинчи шахсга сотиш ёки ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

15.3. «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқланиши шарт.

15.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришига ҳақлидир.

15.6. Объектда фойдаланилган электр асбоблари, ускуналар, жихозлар, кабель маҳсулотлари, насос ва бошқа жихозларнинг сифат сертификатлари ҳамда техник паспортлари бўлиши шарт.

15.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.8. Мазкур шартномани томонлар имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр кунигача амал қилади.

15.9 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ

“Қашқадарёўлқўкалам” УК

Қарши т. Сарой МФЙ 1-уй

Х/Р: 2021 0000 2008 2322 8001

Банк: ТИФ Миллий банк Қарши б-ми.


МФО: 00 150, ИНН: 305 171 765

Е-mail: qashqadaryoyolkokalam@mail.ru

Тел:

Корхона директори:




_____ М.Чоршанбиев
(имзо)

ПУДРАТЧИ

ELYOR PROEKTSTROY” XK

Манзил: Қарши т. Узуннаво массиви 2/18-уй


х/р: 2020 8000 9054 5863 6001

ИНН: 306 345 981 МФО: 01177

Банк номи: “Харкорбанк” Қарши ш

Корхона директори:




_____ А.Мажидов
(имзо)

“Qashqadaryo yo`l ko`kalam” UK bilan “ELYOR PROYEKTSTROY” X/K o`rtasida **Umumfoydalanuv avtomobil yo`llarini yon qismlarini ko`kalamzorlashtirish ishlarida ko`chatlarni ekib berish xizmatini bajarish** bo`yicha 2022 yil 18 **aprel №02**–sonli tuzilayotgan shartnoma, umumiy qiymati **458.000.000 so`m (QQS bilan)** qilib belgilangan shartnoma loyihasi yuzasidan,

YURIDIK XULOSASI

Men, ushbu shartnoma loyihasini amaldagi O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksini, “Xo`jalik yurituvchi sub`ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to`g`risida”gi qonuni va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertiza qilib, ushbu xo`jalik yurituvchi sub`ekt davlat ro`yxatidan o`tganligini va mazkur shartnomani imzolash huquqiga ega ekanligini va shartnoma loyihasining qonunchilik hujjatlariga mos kelishililigini aniqladim.

Shu munosabat bilan ushbu shartnomani imzolasa bo`ladi deb hisoblayman.

Bosh yuriskonsult:



D.Kulnazarov

M.O`.

“18” aprel 2022 yil

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 66805 на приобретение Услуга озеленения территории

Способ проведения электронный

Дата 15.04.2022

Время рассмотрения 15.04.2022 17:48

Конкурсная комиссия , (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|---|--|--|
| Председатель комиссии | ABDULLAYEV SHARIF DO'SIYOROVICH | директор ўринбосари Бош аграном в.в.б | "Қашқадарёўлкўкалам" УК |
| Член комиссии | Ergashev Elbek Baxtiyorovich | Ишлаб чиқариш техник булим бошлиғи | "Қашқадарёўлкўкалам" Унитар Корхонаси |
| Секретарь комиссии | BEKMUROTOV AKBAR ABDURAYIM O'G'LI | директор ўринбосари МўП бошлиғи | "Қашқадарёўлкўкалам" УК |
| Член комиссии | RAVSHANOV NURIDDIN G'AFFOR O'G'LI | Автотранспорт бўлими бошлиғи | "Қашқадарёўлкўкалам" УК |
| Член комиссии | XUSHVAQTOV OYBEK ABDURASHIDOVICH | Ўсимликларни ҳимоя қилиш яшил хўжаликлар объектларини ва манзарали ўсимликлар питомниги сақлаш бўлими бошлиғи | "Қашқадарёўлкўкалам" УК |
| Член комиссии | ESHMIRZAYEV NURBEK ALIQUL O'G'LI | Бош иқтисодчи | "Қашқадарёўлкўкалам" УК |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.04.2022 года № лота 66805.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга озеленения территории |
|--------------------------------------|--|
| Подробное описание | QASHQADARYOYO'LKO'KALAM УНИТАР КОРХОНАСИ карашли Умум фойдаланув автомабил йулларини ён кисмларини кукаламзорлаштириш ишларида кучатларини экиб бериш хизмати. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 459 462 423.00 |
| Стартовая сумма | 459 462 423.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закат ёки банк кафолатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт. Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| KOGON IXTISOSLASHGAN DAVLAT O'RMON XO'JALIGI | 40 | 430000000 | 29 | Экспертная | | |
| ELYOR PROEKTSTROY XK | 40 | Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закат ёки банк кафолати | 39 | Экспертная | | |
| OOO UYCHI PLANT DESIGN | 40 | 413000000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закат ёки банк кафолатининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт. Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| KOGON IXTISOSLASHGAN DAVLAT O'RMON XO'JALIGI | 30 | 430000000 | 23 | Экспертная | | |
| ELYOR PROEKTSTROY XK | 30 | банк кафолат хати | 30 | Экспертная | | |
| OOO UYCHI PLANT DESIGN | 30 | 413000000 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари руйхати (ижара асосида фойдаланилса ижара шартномаси ва бошқа хужжатлар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| KOGON IXTISOSLASHGAN DAVLAT O'RMON XO'JALIGI | 30 | 430000000 | 25 | Экспертная | | |
| ELYOR PROEKTSTROY XK | 30 | Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари мавжудлиги | 30 | Экспертная | | |
| OOO UYCHI PLANT DESIGN | 30 | 413000000 | 19 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|-----------------|--------------------|------------------------|-------------------------|
| OOO UYCHI PLANT DESIGN | 459 462 423.00 | 413 000 000.00 | 15.04.2022 14:10:24 | 30.00 |
| KOGON IXTISOSLASHGAN DAVLAT O'RMON XO'JALIGI | 459 462 423.00 | 430 000 000.00 | 14.04.2022 17:34:00 | 28.81 |
| ELYOR PROEKTSTROY XK | 459 462 423.00 | 458 000 000.00 | 15.04.2022 12:14:29 | 27.05 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| OOO UYCHI PLANT DESIGN | 40.6 | 30 | 70.6 |
| KOGON IXTISOSLASHGAN DAVLAT O'RMON XO'JALIGI | 53.9 | 28.81 | 82.71 |
| ELYOR PROEKTSTROY XK | 69.3 | 27.05 | 96.35 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 66805 от 15.04.2022 года на приобретение Услуга озеленения территории определила победителем:

ELYOR PROEKTSTROY XK
306345981

и резервный исполнитель: KOGON IXTISOSLASHGAN DAVLAT O'RMON XO'JALIGI (308780924)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|----------------------|-----------------------------------|-------------|-------------|
| Член комиссии | ESHMIRZAYEV NURBEK ALIQUL O'G'LI | Согласен | |
| Член комиссии | Ergashev Elbek Baxtiyorovich | Согласен | |
| Член комиссии | RAVSHANOV NURIDDIN G'AFFOR O'G'LI | Согласен | |
| Член комиссии | XUSHVAQTOV OYBEK ABDURASHIDOVICH | Согласен | |

| | | | |
|----------------------------------|---------------------------------|----------|--|
| Председатель комиссии | ABDULLAYEV SHARIF DO'SIYOROVICH | Согласен | |
|----------------------------------|---------------------------------|----------|--|

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП